2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 231 (231), 2020 йил 1 декабрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ҲУДУДЛАРДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 ноябрь куни ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.**

Жамоат транспорти — одамларнинг узоғини яқин қиладиган, аҳоли кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган восита. Ўтган 10 ойда Халқ қабулхоналарига ушбу масалада 3 мингдан зиёд мурожаат бўлгани ҳам соҳада камчиликлар кўплигини кўрсатади.

23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида жамоат транспортини бошқариш ва инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари бу янги тизимни бошқа шаҳарларда ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берганди. Транспорт вазирлиги ва ҳокимликлар томонидан шу борадаги имкониятлар ўрганилиб, таклифлар тайёрланди.

Йиғилишда ушбу таклифлар ҳар бир ҳудуддаги биттадан туман ва шаҳар мисолида муҳокама қилинди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз бўйича кунига қарийб 20 миллион йўловчидан бор-йўғи 4,4 миллиони ёки 22 фоизи жамоат транспортидан фойдаланмоқда. Бу кўрсаткич Андижон, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бундан ҳам паст. 1 минг 200 та қишлоқ туман марказигача бўлган йўналишда жамоат транспорти билан қамраб олинмаган.

Президентимиз қишлоқдан туман марказигача ҳамда у ердан вилоят марказигача бўлган транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Одамлар учун шаҳар, туман ва қишлоқлар орасида транспортни қулай, хавфсиз ва осон қилиш лозим. Бу хизматлардан халқ рози бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масалан, бунинг учун йўловчи ташиш харажатларининг бир қисмини босиб ўтилган масофа ва йўловчи сонидан келиб чиқиб субсидиялаш мумкин. Шу боис Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлигига туманлар ичида йўловчи ташувчи корхоналар харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир ҳудуддаги биттадан туманда ушбу янги тизим тажрибадан ўтказилиб, жорий этилади.

Туманлардан вилоят марказларига қатновчи автобуслар эскиргани, айримлари хизмат муддатидан ортиқ фойдаланилаётгани кўрсатиб ўтилди. Автобуслар билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 минг аҳолига 24 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва Андижонда 15 тага ҳам етмайди. Транспорт паркини янгилаш учун келгуси йилда қўшимча 800 та автобусга эҳтиёж мавжуд.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автобусларнинг нархи хорижникига нисбатан юқори экани, шу боис маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автобус ва микроавтобуслар нархини тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Йўловчи ташувчи корхоналар автобус харид қилиш учун оладиган кредитлар фоизининг Марказий банк асосий ставкасидан юқори қисмини қоплаш ва уларга кафиллик бериш тартибини жорий қилиш топшириғи берилди.

Самарқанд юртимиздаги энг катта шаҳарлардан бири, унга сайёҳлар ҳам кўп келади. Шу боис Президентимиз бу ерда жамоат транспорти йўналишларини оптималлаштириш заруратига алоҳида эътибор қаратган эди.

Вилоят ҳокимлиги ва мутасадди вазирликларга Самарқанд шаҳрида қулай транспорт тизимини яратиш бўйича Бош режа лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Унда йирик чорраҳаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, алоҳида йўлакли автобуслар ҳаракатини ташкил этиш, кўп ўринли автобуслар қўйиш ва интервалларини қисқартириш чоралари белгиланади. Шунингдек, мамлакатимиздаги 30 та шаҳар бўйича шундай бош режалар ишлаб чиқилади.

Транспорт университети фаолиятини соҳадаги ислоҳотлар билан узвий боғлаш, профессор-ўқитувчи ва талабаларни бу жараёнга кенг жалб этиш бўйича кўрсатма берилди.

— Транспорт-логистика масалаларига кўп йиллар илм билан ёндашилмади. Замонавий кадрларнинг етишмаслиги бу соҳадаги энг оғриқли муаммо, — деди Президент.

Аҳоли талабидан келиб чиқиб, янги йўналишлар очиш, мавжудларини қайта кўриб чиқиш, автобус бекатларини реконструкция қилиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги чора-тадбирлар ижроси жойларга чиққан ҳолда ўрганиб борилиши, халқ депутатлари кенгашларида ҳар уч ойда транспорт тизими раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, аниқ вазифалар қўйилиши белгиланди. Соҳага оид қонунларнинг бугунги кун талабига жавоб бермайдиганларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг декабрь ойида видеоанжуман шаклида ўтказилиши режалаштирилган давлатимиз раислигидаги МДҲ саммитига тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари коронавирус пандемиясининг тарқалиши оқибатида келиб чиққан глобал инқироз шароитида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар барқарор суръат билан ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Хусусан, ўзаро ташрифлар фаол амалга оширилмоқда, Ҳукуматлараро қўшма комиссия ва бошқа ҳамкорлик механизмлари унумли ишлаяпти, ўзаро савдо ҳажмлари ортиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси бўйича устувор лойиҳалар ҳамда гуманитар алмашинув дастурлари давом эттирилмоқда.

Президентлар халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

**ЎзА**




### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

**Мамлакатимизнинг янги ривожланиш босқичида барча соҳалар каби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар барқарор ривожланиш кафолати бўлмоқда. Албатта, бу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари Конституциямизда белгилаб берилган.**



Давоми 2-бетда

**Интервью**

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

**Мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар натижасида республиканинг барча ҳудудларида транспорт воситалари, хусусан, жамоат транспортидан фойдаланишга бўлган талаб ва эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса мазкур йўналишда одамларга кўрсатиладиган хизматларни нафақат сон, балки сифат жиҳатидан яхшилаш заруратини тақозо этяпти.**

Шу йилнинг 30 ноябрь куни Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда мамлакатимиз бўйича кунига қарийб 20 миллион йўловчидан бор-йўғи 4,4 миллиони ёки 22 фоизи жамоат транспортидан фойдаланиши, бунга соҳада тўпланиб қолган камчиликлар сабаб экани қайд этилди. Аҳолининг жамоат транспортларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, бу борада одамларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар топширилди.



**Илҳомжон МАҲКАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири вазифасини бажарувчи:**

— Бир ҳафта илгари бўлиб ўтган Тошкент шаҳри жамоат транспорт тизимини ва структураларини ривожлантириш концепцияси тақдимотида бу борада бир қатор муҳим топшириқлар берилган эди. Бугунги йиғилишда республикамиздаги йирик шаҳарларда ушбу тизимни татбиқ қилиш, олис ҳудудлардаги аҳоли пунктлари жойлашган маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларини туман марказлари билан боғлаш, туман марказларини вилоят марказлари билан, вилоят марказларини эса республиканинг йирик шаҳарлари ва пойтахтимиз билан боғлаш ҳамда улар ўртасида ягона транспорт тизимини жорий қилиш вазифалари белгиланди.

Давоми 2-бетда

## ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**30 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.**

Илк бор Ҳиндистон Республикаси раислигида ўтказилган анжуманни ушбу мамлакат вице-президенти Венкая Найду олиб борди. Тадбирда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Қирғиз Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Артём Новиков, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар бўйича федерал парламент котиби Аббос Андлиб иштирок этди.

Мажлис ишида ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти Амрулла Солиҳ, Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Исҳоқ Жаҳонгирий, Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченко, Мўғулистон Бош вазири ўринбосари Содбаатар Янгугиин, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, шунингдек, ШҲТ Бош котиби В.Норов ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Ж.Ғиёсов қатнашди.

Жорий йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ташкилот доирасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришга қаратилган савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кучайтириш, рақамли саводхонликни ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш, хавфли инфекцион касалликлар тарқалишига қарши ҳамкорликни янада фаоллаштириш юзасидан долзарб ташаббусларни илгари сурган эди.

Мажлисда Ўзбекистон томони ушбу ташаббусларнинг амалий ижросини таъминлаш юзасидан кўриладиган чораларга тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари билдирган таклифларни амалга ошириш ШҲТ давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида, жумладан, пандемия шароитида касаллик оқибатларини бартараф этиш юзасидан ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболи, Кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси ва Ташкилот фаолиятига тегишли бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, тадбирда ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси ҳисоботлари ҳам тингланди.

Кун тартибидан ўрин олган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2021 йилда Қозоғистон раислигида ўтказилади.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Янгича ёндашувлар**

## БАНКЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

### фаолиятга замонавийлик, қулайлик ва жаҳон стандартларини олиб киради

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган очиқ инвестицион муҳит сиёсати натижасида турли соҳаларда юртимизга кириб келаётган ташқи инвестициялар оқими кескин ошди. Бу эса ўз навбатида инвестициялар йўналтирилаётган соҳалар фаолиятини таҳлил қилиш орқали улар бошқарувида замонавий менежмент тизимларини жорий қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатди. Шу жумладан, банклар фаолиятини ҳам замон талабларига мос равишда трансформация қилиш зарурати юзага келди.**




Давоми 3-бетда

**Экологик норматив-меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 1 декабрь, 231-сон




**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

# ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ



Бошланиши 1-бетда

> **Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш назарда тутилган бўлиб, умумий энергия ишлаб чиқариш салмоғида ушбу экологик тоза энергия улушини 12 фоизга етказиш белгиланган.**



**Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Хусусан, Конституциянинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, деб кўрсатилган. Бу эса фуқароларнинг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишни, уларни тиклаш ва муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбуриятни ўз вақтида бажаришни тақозо этади. Ушбу ҳолат экологик соҳага оид барча қонунларда ҳам аниқ тарзда ўз ифодасини топгани конституциявий талабларни янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Асосий қонунимизнинг 54-, 55- ва 100-моддаларида ҳам юридик ва жисмоний шахсларга атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш вазифаси юклатилган. Ушбу конституциявий меъёрлар асосида экология, атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ўттиздан зиёд қонун ва уч юзга яқин қонуности ҳужжат қабул қилинди.

Жорий йил давлат дастурида ҳам экологик ва ижтимоий ривожланиш соҳасида залворли вазифалар белгиланган. Хусусан, мажмуавий, тўғридан-тўғри амал қиладиган Экология кодекси, “Экологик аудит тўғрисида”ги, “Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида”ги қонун лойиҳалари, Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепцияси каби ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Албатта, ҳозирги глобаллашув жараёнида саноатнинг кескин тараққий этиши экология соҳасини қонунлаштириш, амалдаги айрим экологик қонунларни такомиллаштириш мақсадида уларни кодекслаштириш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳукумат саноат ривожини экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишини, шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши лозимлигини қайд этган эди. Шу асосда Экология кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамалардан ўтказилмоқда.

Мазкур лойиҳада экологияга оид қонунчилик базасини тизимлаштириш ҳамда уни кодификациялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат органининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, экологик назорат ва мониторинг турлари, экологик экспертизани ўтказиш тартиби, табиий ресурслардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Жумладан, Париж битимини ратификация қилган томон сифатида 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартириш бўйича мажбурият олган. Шундан келиб чиқиб, давлат дастурининг тегишли бандига мувофиқ, Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда бу йўналишда экологик соф, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудида бир нечта лойиҳа бажарилди. Бунинг натижасида Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экилди. Мўйноқ шаҳри инфратузилмаси кескин яхшиланди.

Ўзбекистонда 2019-2030 йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепцияси қатор вазифаларни ўз ичига олади. Жумладан, энергия самарадорлиги кўрсаткичини икки карра ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш, уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг йигирма беш фоизидан кўпроғига етказиш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергия билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш мўлжалланган. Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш назарда тутилган бўлиб, умумий энергия ишлаб чиқариш салмоғида ушбу экологик тоза энергия улушини 12 фоизга етказиш белгиланган.

Шунингдек, “ақлли” қишлоқ хўжалиги тамойилларини жорий этиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга ҳамда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20-25 фоизгача оширишга эришиш мўлжалланган.

Бугунги кунда сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини кодификациялаштириш мақсадида Сув кодексини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Чиқиндиларни бошқаришнинг замонавий технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаб берувчи “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири тайёрланмоқда. Ушбу ҳужжатда қайд этилган қишлоқ ва сув хўжалиги, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, “яшил” технологияларни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилиш муҳим вазифалардан биридир.

Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар энергия самарадорлигини ошириш борасидаги бошқарувни яхшилашга, табиий ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга, шу орқали аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Конституциясида ҳамда унинг конституциявий нормалари асосида қабул қилинган қонунларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўплаб масалалар ўз ифодасини топган. Умуман олганда, экологик норматив-меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шу боис, Конституциямизда бу борада белгиланган тамойилларни халқимиз, айниқса, ёшларимиз орасида кенг тарғиб қилиш экология соҳасидаги конституциявий талабларни мустаҳкамлаш ва экологик хавфсизликни таъминлашга замин бўлади.

**Интервью**

# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Мазкур жараёнларга илмий ходимларни жалб қилиш ҳам муҳим масала экани таъкидланди. Боиси, автотранспорт воситалари йўналишларини белгилашда бир қатор омиллар, хусусан, аҳолининг зичлиги, жойлашган ҳудуди, аҳоли пунктлари ёнидаги ишлаб чиқариш марказлари, савдо шахобчалари, корхоналарни эътиборга олиш талаб этилади. Уларни ўрганиш, аниқ тизимни ишлаб чиқишда илмий малакага эга ходимларга эҳтиёж сезилади.

Шу жиҳатдан, соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳ тузилиб, уларнинг жойларга чиққан ҳолда реал ҳолатни чуқур таҳлил қилиши, йўналишларни белгилаб, ушбу йўналишларга автотранспорт воситаларини бириктириши, янги тизимни яратишда бевосита иштирок этиши белгиланди. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли учун жамоат транспортининг жозибадорлигини ошириш, одамларнинг шахсий автотранспорт воситаларидан жамоат транспортига ўтиши учун қулайлик ва имкониятлар яратишдан иборат.

Транспорт вазирлиги ва ҳокимликлар биргаликда махсус ишчи гуруҳлар ташкил қилиб, жойларда мазкур ишларни жадаллаштиради. Бу жараёнда аниқ амалий ишлар белгиланади. Биз республикадаги 10 мингдан зиёд аҳоли пунктларининг барчасида ягона транспорт тизимини жорий қилишимиз зарур.



**Муроджон ОБИДОВ,
Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази директори:**

— Бугунги йиғилишда транспортга бўлган талабнинг ошиб бориши натижасида, мазкур тизим механизмини янада ривожлантириш қанчалик долзарб эканлиги яна бир бор қайд этилди. Буни ҳисобга олган ҳолда барча ҳудудларда, шунингдек, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган транспорт тизимини комплекс моделлаштириш орқали ривожлантириш механизмини жорий этиш амалиётини қўллаш топшириғи берилди. Бунда асосий эътибор транспортга бўлган талаб, инфратузилма объектлари ҳамда генерация нуқталарини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, аҳоли яшаш пунктлари ҳамда ижтимоий савдо мажмуалари ва бошқа транспортга юклама тушириши мумкин бўлган нуқталарни инобатга олган ҳолда соҳани тизимли ривожлантириш механизми яратилади.

> **Бу механизмни талаб ўзгариб боришига қараб доимий янгилаб борамиз. Бу ишлар аҳоли учун транспорт хизматларини сифатли, қулай ва адолатли нархларда таъминлаш имкониятини беради. Республикамизнинг барча шаҳарларида электрон тўлов тизими жорий этилиши муносабати билан, вилоят марказий шаҳарларидан кириб келаётган оқимни ҳисобга олиш зарур.**

Марказларда қанча аҳоли яшаса, тахминан шунга тенг сонли аҳоли иш учун ёки бошқа юмуш билан марказга кириб келади. Транспортлар сони ҳам ана шу оқимни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Бунда вилоят марказларидаги йўл транспорт тизимларига, яъни йўл бўйича юкламаларни ҳисобга олиш зарур. Ана шунда қулай, хавфсиз ва сифатли хизмат кўрсатиш имконига эга бўламиз.

**Муносабат**

# ИЖОДКОРЛАР БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА

**Меҳринисо АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раҳбари**

> **Президентимизнинг жорий йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони зиёлиларнинг катта ва кенг қатлами саналган ўқитувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Фармоннинг мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимини жорий этиш ва ушбу лавозимга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар, олий таълим муассасаларининг ижтимоий кафедралари профессор ва ўқитувчилари жалб қилиниши ҳақидаги банди қалбимда мамнуният ҳисларини уйғотди.

Сир эмас, кўп ҳолларда мактаб ўқувчилари ўзларининг илк ижод намуналарини она тили ва адабиёти муаллимларига кўрсатади, улардан йўлйўриқ ва маслаҳатлар олади. Аммо бир нарса аниқки, истеъдод Аллоҳнинг инояти ва шунинг учун ҳам адабиёт ўқитувчиларининг ҳаммаси ҳам мукаммал ижодкор бўлавермайди. Ана шундай пайтда давлатимиз раҳбари ўз фармонида кўзда тутган инсон — ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи — ёзувчи, шоир ёки иқтидорли журналистнинг тажрибаси жуда қўл келиши шубҳасиз.

Аслида ҳар бир инсон, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўяётган навниҳол йигит-қизнинг қалбида ижод булоғи яшириниб ётади. Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи ана шу булоқнинг кўзини очувчи восита ролини бажариши лозим. У ташаббускор ва ғайратли бўлиши керак. Мактабда турли адабий кечалар, мушоиралар, қизиқарли дарс ва машғулотлар, китобхонлик ва шеърхонлик беллашувлари ташкил этиши, бундай тадбирларга нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларни ҳам бирдек жалб қила билиши зарур.

Шу билан бирга, ижод аҳлининг халқ таълими тизимида иштирок этиши ўқувчини, албатта, шоир ёки ёзувчи қилиб тарбиялайди, дейишдан йироқман. Етук ижодкорларнинг таълим муассасаларига ташрифи аслида улуғ мақсадларимиз давомчилари бўлган ёшларни ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизга содиқ бўлиш руҳида тарбиялаб, уларнинг юртпарвар, халқпарвар бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади.

Жиззах заминида ҳам жуда кўп адабиётшунос олимлар, шоиру шуаролар, иқтидорли ёзувчи ва журналистлар яшаб, ижод қилиб келмоқда. Уларнинг қалбида кечаётган кечинмалар, ўйлантираётган ўй-хаёллар менга яхши таниш. Ҳамкасбларим жон-жон деб мактабларга, болажонлар даврасига боришади. Зеро, уларнинг ўзлари ҳам Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Шукур Саъдулла, Оқилжон Ҳусанов, Тўра Сулаймон, Саъдулла Ҳаким каби асли жиззахлик



адиблар асарларидан илҳомланиб, улар эришган ютуқлардан руҳланиб, ижод деб аталмиш сеҳрли дунёга қадам ранжида қилишган.

Ривоят қиладиларки, Мир Алишер Навоий “Хамса”ни ёзиб тугатгандан кейин Ҳусайн Бойқаро Ҳазратни отга ўтқазиб, ўзи жиловни ушлаб, пиёда Ҳирот кўчаларини кезиб чиққан экан. Ҳукмдор бу хатти-ҳаракати билан нафақат дўсти Алишерни улуғлади, балки туркийда “Хамса” битиб, ушбу тилни, унда сўзловчи халқни бутун дунёга танитган Навоийни кўкларга кўтарди.

“Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир”. Шу йилнинг 30 октябрь куни таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан айтилган бу сўзлар биз ижодкорларни билим масканларига отланишга, янги-янги Навоийларни кашф этишга ундамоқда.

**Ирригация тармоғи**

**Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар жадаллашмоқда. Президентимизнинг жорий йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони бу борада ўрта, узоқ истиқболдаги ишларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

# Сув тежовчи технологиялардан фойдаланиладиган ер майдонлари кенгаймоқда

**Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



Концепцияда 11 та устувор йўналиш белгиланган бўлиб, шулардан иккитасида сув истеъмоли ҳисобини юритишда “ақлли сув” ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда сув тежовчи суғориш технологияларига оиддир.

Айни пайтда юртимизда ирригация тизимининг 18 мингдан ортиқ объекти мавжуд. Ҳужжатда мазкур иншоотларни 2030 йилгача “ақлли сув” сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари билан жиҳозлаш, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш, сув хўжалигининг 100 та йирик объектида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш вазифаси белгиланган.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда Сув хўжалиги вазирлиги мутасаддилари концепция доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан қиймати 7 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида сув хўжалигининг 61 та объектида сув ресурсларини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи “ақлли сув” қурилмалари, об-ҳаво маълумотларини (ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори ва ҳ.к.) онлайн тарзда кузатиб борувчи кичик метеостанциялар ҳамда жойлардаги вазиятни визуал назорат қилиш имконини берувчи 15 та кузатув камераси ўрнатилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликда эса республика бўйлаб жами 87 та сув хўжалиги объекти сув ресурсларини онлайн мониторинг юритиш имконини берувчи “ақлли сув” қурилмалари билан жиҳозланди.

— Мелиорация тизимини рақамлаштириш бўйича ҳам қатор амалий ишлар олиб борилмоқда, — дейди Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази директори Рустам Қаршиев. — Хусусан, Нидерландия технологияси бўйича Хоразм вилоятида 66 та, Хитой технологияси бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 12 та ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан Бухоро вилоятида 25 та мелиоратив кузатув қудуғида автоматик тизим ишга туширилди. Натижада лойиҳа ҳудудларида сизот сув сатҳи ва унинг минераллашганлик даражасини онлайн кузатиб бориш имконияти яратилди.

Айни пайтда тизимдаги барча насос станцияларида электр энергияси сарфини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бугунги кунда Бухоро вилоятида 650 та, Самарқанд вилоятида 269 та ва Жиззах вилоятида 59 та насос станцияси ва суғориш қудуғида “ақлли” ҳисоблагичлар ишга туширилди.

Республикамизда томчилатиб, ёмғирлатиб, гидрогель гранулаларидан фойдаланиб, тупроқ остидан, кўчма эгилувчан пластик қувурлар ёрдамида ва эгатларга плёнка тўшаб суғориш каби усуллардан кенг фойдаланилмоқда.

Айни пайтда сув тежовчи технологиялар қўлланилаётган майдонлар жами суғориладиган ерларнинг қарийб 7 фоизини ташкил этмоқда. Жорий йилда 137,4 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар ўрнатилди. Шундан 114,2 минг гектарини томчилатиб суғориш ташкил этади. Жумладан, бу йил жами 200 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида пахта хомашёси етиштирилди. Натижада салкам 1 миллиард куб метр сув тежалди. Ишлаб чиқариш харажатлари оптималлашиб, ҳосилдорлик 45-60 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиладиган ерни 600 минг гектаргача етказиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Янгича ёндашувлар

ALOQABANK

# БАНКЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

## фаолиятга замонавийлик, қулайлик ва жаҳон стандартларини олиб киради

Бошланиши 1-бетда

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири





Сабаби, банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифати етарли бўлмаслиги, иқтисодиётда банклар ўртасида рақобатнинг пасайиши каби муаммоларга олиб келиши мумкин. Бу эса инвестицион жозибадорликка ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармонига асосан ҳозирда 6 та тижорат банки – "Ипотекабанк", "Саноатқурилишбанк", "Туронбанк", "Асакабанк", "Алоқабанк" ва "Агробанк" молиявий диагностика асосида истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган.

Банк тизимида юз бераётган трансформация жараёнлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш мақсадида АТ "Алоқабанк" фаолияти билан қизиқдик.

Хўш, бугунги 13 та филиали ҳамда 77 та комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари фаолият кўрсатиб келаётган банкда бу жараёнда қандай ўзгаришлар кузатилмоқда?

### МАМЛАКАТИМИЗДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН ИЛК БАНК

Айтиш керакки, мазкур муассаса Ўзбекистонда электрон тижорат соҳасида фаолият бошлаган биринчи банк ҳисобланади. Банк виртуал терминаллар билан илк эквайринг фаолиятини 2014 йилда йўлга қўйган. Мамлакатдаги биринчи тўлов ташкилотлари — Payme, Click билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, уларга E-POS терминаллар орқали хизмат кўрсатишни бошлаган.

2016 йилда мазкур икки ташкилот билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи бўлиб картадан картага онлайн ўтказмалар ҳамда банк кредитларини онлайн сўндириш лойиҳаси ишга туширилганини ҳам қўшимча қилиш жоиз.

— Ҳозир барча мустақил тўлов ташкилотлари, жумладан, Payme, Click, Paynet, Paymo, U-pay, Oson банкимизни ўзининг ҳамкори сифатида танлаб, асосий айланмаларини биз орқали амалга оширмоқда, — дейди АТ "Алоқабанк" бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасан Раҳматов. — Шунингдек, Beeline (Beepul), Ucell (U-to'lov) ва Uzmobile (MyUztelecom) операторлари мобил иловаларининг онлайн тўловлари бизнинг банк орқали ўтади. 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк томонидан E-Pos терминаллар орқали хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони 7 126 тага етди. 2020 йил 9 ойликда E-POS терминаллар айланмаси 2,8 триллион сўмни ташкил қилиб, бозорда терминал парки бўйича 16-ўрин, эквайринг бўйича 3-ўринни эгаллади.

### 15 ДАҚИҚАДА МИКРОҚАРЗ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ

Рақамли трансформация дунё бизнесининг рақамли иқтисодиёт жамиятининг янги шартлари ва афзалликларига мослаша бошлаган муқаррар жараён бўлиб, рақамли технологияни татбиқ этиш орқали жамиятда инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш, қулайликлар яратиш ва сифатини оширишга хизмат қилувчи восита ҳисобланади.

Давлат банкларини трансформация қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан IT соҳасини ривожлантириш масаласидир. 2017 йил август ойида "Алоқабанк"да электрон тижоратни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда замонавий банк хизматларини жорий этиш мақсадида "Электрон тижорат ва бизнесни ривожлантириш департаменти" ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистонда биринчи бўлиб жисмоний шахслар учун овердрафт кредитлар жорий этилди.

> **Тижорат банкларини халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилишдан кутилаётган асосий натижалардан бири банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обрўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда қатор тижорат банкларида давлат улушини камайтириш, фаолиятга халқаро тажрибани олиб киришдир.**

2018 йил апрель ойида мамлакатимизда илк бор ҳеч қандай ҳужжатларсиз 15-20 дақиқа ичида ажратиладиган онлайн микроқарз хизмати, июль ойида эса жисмоний шахслар учун мўлжалланган Aloqamobile иловаси ишга туширилди. Айни пайтда у орқали жисмоний шахслар бир қанча хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Исталган банк карталарига ўтказмалар, 300 дан ортиқ хизматга онлайн тўловлар, давлат хизмати кўрсатувчи 24 та ташкилотга тўловлар, QIWI, Webmoney ва "Яндекс деньги" электрон ҳамёнларига тўловлар, онлайн микроқарз олиш, омонат очиш, тўлдириш, валюта конверсияси, тўловлар мониторинги кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, 2020 йил ноябрь ойида эса иловaнинг Zoomrad номи билан янги версияси ишлаб чиқилиб, унда картага буюртма бериш, банк реквизитлари орқали исталган ҳисобрақамга тўлов ўтказиш, автотўлов ва тезкор тўловлар яратиш, коммунал хизматлар балансини онлайн кузатиш, ID орқали мактабгача таълим муассасаларига тўловлар қилиш ҳамда масофавий биометрик идентификациялаш каби функциялар қўшилади.



Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва анъанавий хизматларни масофавий хизматларга айлантириш мақсадида банк ўзининг дастурчилар жамоасини ташкил этди. Эндиликда амалдаги хизматларни автоматлаштириш ва янги инновацион ишланмаларни аутсорсинг компанияларни жалб қилмасдан, ўз ресурслари ҳисобига амалга оширмоқда.

Дастурчилар жамоаси мобил иловаларни такомиллаштириш, автоматлаштирилган скоринг (1 ноябрдан фақат паспортнинг ўзи билангина кредит олиш имконияти), кредит мониторинг тизимларини ишлаб чиқиш, онлайн буюртма қилинган карталардан хизмат ҳақини автомат ундириш ва амалдаги хизматлар ҳажмини кенгайтириш мақсадида ташқи тўлов ташкилотлари ва тўлов тизимларига API ёзиш (AloqaExpress — тизими маҳаллий пул ўтказмалари, Мактабгача таълим вазирлиги учун биллинг тизими — эндиликда боғчаларга онлайн тўлов қилиш имконияти мавжуд) ва бошқа бир қатор лойиҳалар бўйича ишламоқда.

### МИЖОЗГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШЛАШ ТИЗИМИ

Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий йўналишлари сифатида стратегик инвесторлар, бозор тамойилларига мослаштириш, давлат маблағларига қарамлиликни йўқотиб, тенг рақобат шароитини вужудга келтириш каби масалалар белгиланган. Банкларнинг бу жараёнга ўтишида эса уларнинг бизнес моделларини ўзгартириш ва мижозга йўналтирилган ишлаш тизимини жорий қилишнинг аҳамияти катта. Бу жиҳатларни "Алоқабанк" фаолияти ва ютуқларида кўриш мумкин.

— Хусусан, 2018 йил август ойида Ўзбекистон амалиётда биринчи марта UzAvtoSavdo мобил дастури орқали автомашина сотиб олиш учун онлайн тарзда тўлов қилиш тизими йўлга қўйилди, — дейди банк бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Маҳкамов. — Кейинчалик ушбу тизим Марказий банкнинг Munis тизимига интеграция қилинди ва барча мобил иловалар орқали тўлов қилиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, 2018 йил сентябрь ойида банк UnionPay International ва UzCard тўлов тизимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи бўлиб кобейдж карталарни муомалага чиқарди. Ушбу карталардан эндиликда UnionPay International халқаро тўлов тизимининг ҳам Ўзбекистондаги, ҳам дунёнинг 170 та давлат ва минтақасидаги инфратузилмасида фойдаланиш мумкин.

Ушбу лойиҳа UnionPay International компанияси томонидан муносиб баҳоланиб, банк "Йил кашфиёти 2018" номинациясида ғолиб бўлди, 2019 йил эса "Энг креатив банк" номига муносиб кўрилди. Шу билан бирга, АТ "Алоқабанк" юртимиздаги барча тижорат банклари томонидан эмиссия қилинувчи кобейдж карталарнинг транзакциялари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк ҳамдир.

— Юридик шахсларга мўлжалланган Aloqa business мобил иловаси бугунги кунда аҳолининг оғирини енгил қилишга кўмак бўлмоқда, — дейди Фаррух Маҳкамов. — 2019 йил декабрь ойида ишга туширилган ушбу дастурнинг бошқа банк иловаларидан афзаллиги шундаки, унда фойдаланувчи битта аккаунт орқали ўзининг бир нечта ташкилоти ҳисобрақамларини бошқариши мумкин. Шу билан бирга, "Золотая корона" билан ҳамкорликда 19 та давлатдан халқаро пул ўтказмаларини онлайн тарзда Uzcard ва Humo карталарига қабул қилиш хизмати жорий этилди.

### ЙЎЛКИРА ТЎЛАШ АВТОМАТЛАШТИРИЛДИ

2020 йил январь ойида Транспорт вазирлиги ҳамда Ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда жамоат транспортларида йўл ҳақини тўлаш бўйича автоматлаштирилган тизим яратилди.

Биринчи босқичда Тошкент шаҳридаги автобуслар ва барча метро станциялари махсус валидаторлар билан таъминланди. Бугунги кунда Тошкент метрополитенининг барча станцияларида, жамоат автобусларида транспорт карталари, Uzcard, Humo, МИР карталари, шунингдек, NFC технологияси ва QR код орқали йўл ҳақини тўлаш мумкин.

### ТРАНСФОРМАЦИЯДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Тижорат банкларини халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилишдан кутилаётган асосий натижалардан бири банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обрўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда қатор тижорат банкларида давлат улушини камайтириш, фаолиятга халқаро тажрибани олиб киришдир. Қолаверса, кредит ташкилотларини уларга хос бўлмаган функцияларни бажаришдан, шунингдек, ортиқча юкламалардан озод қилиш орқали маъмурий юкни изчиллик билан бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизмати турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзланмоқда.

"Алоқабанк"да бу борада қилинадиган ишлар талайгина. Мутасаддиларнинг сўзларига кўра, банк ҳозир Россиянинг йирик банклари билан трансчегаравий пул ўтказмалари ва масофавий биометрик идентификацияни жорий қилиш, электрон пуллар ҳамда ҳамкор маркетплейслар орқали муддатли тўлов тизимини йўлга қўйиш каби лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, банклар трансформацияси орқали молиявий хизматларни олиш аҳоли учун жуда содда ва қулай шаклга келиши керак. Бунда IT технологияларнинг кенг йўлга қўйилиши билан бир қаторда ходимларнинг малакасидан тортиб муомаласигача ўзгариши, янгича ёндашувларга мос бўлиши жуда муҳимдир.

Давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш натижасида молиявий хизматларнинг оммабоплиги ошади, молия бозорида тенг рақобат шароитлари шаклланади, кредитлаш фақат бозор шартларига бўйсунади. Хизмат кўрсатиш модернизациялашиб, банкларнинг самарали инфратузилмалари яратилади, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғи ривожланади, фаолият автоматлаштирилади, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматлар кенг жорий қилиниб, банк тизимининг молиявий барқарорлик даражаси кўтарилади.



Миграция

Улуғбек АСРОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари такомиллашмоқда. Фуқароларимизнинг хорижда меҳнат қилиши учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлигини таъминлаш борасида ҳам иш берувчи мамлакатлар билан муҳим келишувларга эришилган. Бунинг замирида чет элда ишлаб келган фуқароларга кўмаклашиш, ҳаётини яхшилаш йўлидаги орзу-истакларини рўёбга чиқариш мақсади бор.**

# ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР БОШЛАНДИ

2020 йил 13 августдаги "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг кучга кириши ҳам ана шу эзгу мақсадларга, хусусан, фуқароларимизнинг ишончли ҳимоясига қаратилгани билан аҳамиятли.

Сир эмаски, айрим хусусий бандлик агентликлари фуқароларни алдаш йўли билан даромад топишга интилиши каби ҳолатлар ҳам учраб турарди. Ўтган икки йилга яқин вақт мобайнида бундай агентликлар 9 338 фуқародан 79,1 миллиард сўмга яқин пулни фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб олгани аниқланган.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошқарма бошлиғи Камола Шукурованинг айтишича, янги қонун билан бу каби жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш тизими такомиллашади. Қонун билан жорий йилнинг 14 ноябридан хусусий бандлик агентликлари фаолиятида жиддий ўзгаришлар жорий этилди.

Бугунги кунда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хусусий бандлик агентликлари реестридан 103 та юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 75 тасига хорижда ишлаш истагидаги фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган. Ўтган давр мобайнида 55 та хусусий бандлик агентлигининг лицензияси бекор қилиниб, уларнинг сони бугунги кунда 20 тани ташкил этади.

2019-2020 йилларда хусусий бандлик агентликларининг саъй-ҳаракати билан 3 270 нафар Ўзбекистон фуқаролари Россия, Туркия, Литва, Латвия, Польша, Болгария, БАА, Беларусь, Япония, Қозоғистон, Украина ва Қатар каби давлатларга қонуний тарзда ишга жойлаштирилди. Бироқ, хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия талаблари ва шартларини бузиш ҳолатлари учрамоқда. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда 11 та ХБАнинг 51 нафар раҳбар ва масъул ходимига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Янги тизимга кўра, эндиликда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахслардан хорижда ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ олиш тақиқланди. Бу хизматлар учун ҳақ хорижий иш берувчи томонидан тўлаб берилади. Шунингдек, ҳар бир хизмат кўрсатиш шартномасини хусусий бандлик агентликлари "labormigration.uz" дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Бундан ташқари, фуқароларни ишга жойлаштириш соҳасида кўрсатиладиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, хусусий бандлик агентликлари фаолиятига жорий этилган янги тизим фуқароларимизнинг чет элларда бехавотир меҳнат қилиши, фирибгарларга алданиб қолмаслиги ва энг муҳими, ўз уйига соғ-саломат, мўмай даромад билан қайтиш кафолатини тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

Тармоқлар ҳаёти



# САМАРҚАНДНИНГ ХАРИДОРГИР КАРТОШКАЛАРИ

Гулсум ШОДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Кундалик ҳаётимизда картошкага талаб юқори ва у оилада энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири. Жорий йил 14 апрель куни Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробар ошириш вазифаси қўйилганди.**

Давлатимиз раҳбарининг ўша йиғилишдаги топшириғи ва 2020 йил 6 майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда вилоятда 9 минг 414 гектар ерга картошканинг "Пекас", "Гала", "Фонтане", "Аризона" каби навлари экилиб, 131 минг 557 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз бўйича энг кўп картошка Самарқанд вилоятида етиштирилган. Буни ўтган йилга нисбатан таққослаганда, фермер хўжаликларида 4,2 фоиз, деҳқон хўжаликларида эса 1,0 фоиз ўсиш кузатилган.

— Жорий йилда Булунғур туманидаги 15 та агрофирма ҳудудидаги фермер хўжаликлари томонидан 2 минг 201 гектарга картошка экилган бўлиб, айни пайтда 44 минг 20 тонна ҳосил йиғиштириб олинди, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари етиштирилиши ва таъминотини назорат қилиш бўлими бош инспектори Хушнуд Нурбеков. — Туманда 2021 йил ҳосили учун 4 минг 572 тонна уруғлик картошка жамғарилди. Шунингдек, Самарқанд туманидаги 304 та фермер хўжалиги томонидан 356 гектар ерга экилган картошкадан 3 минг 916 тонна ҳосил олинди.

Айтиш жоизки, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2019 йил 4 октябрда картошка уруғлик майдонларида апробация ўтказишга оид услубий қўлланма тасдиқланган. Мазкур қўлланма асосида республикамиз ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилган картошка навлари ва дурагайлари экилган майдонлар инспекция органлари назоратига олинди. "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДКнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари, туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари мутахассислари иштирокида картошка экилган майдонларда апробация ўтказилди. Апробация натижаларига кўра, 801 гектар майдонда етиштирилаётган уруғлик картошка яроқли деб топилди ҳамда 11 минг 150 тонна уруғлик картошка жамғарилди.

Вилоят деҳқонлари ерга картошканинг тезпишар, ҳосилдор, табиат инжиқликларига чидамли навларини экиб, хирмонни катталаштириб боришса, албатта, бу маҳсулот танқислигига ҳам чек қўйилади. Қолаверса, бу орқали халқимизнинг арзон ва сифатли картошкага бўлган эҳтиёжини қондириб, келгусида мамлакатимизни картошка экспорт қилувчи давлатга айлантиришга ҳам эришилади.

Тиббиёт ходимларининг хулосасига кўра, “пақилдоқ”нинг бехосдан қаттиқ портлаши кишини чўчитишга сабаб бўлгани боис юрак-қон томир тизимига ўта салбий таъсир кўрсатади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 1 декабрь, 231-сон

Долзарб мавзу



**Сўнгги йилларда юртимизда нишонланаётган байрам тантаналарида турли жило ва рангларда товланиш берадиган мушакбозликлар энг ривожланган давлатлардаги шодиёналардан қолишмаяпти. Хусусан, шаҳримиздаги “Hilton” меҳмонхонаси ва бошқа юқори қаватли бинолар улкан экран сифатида байрам табрикларини ифода этувчи ёзувларни акс эттириб, барчага қувонч бахш этмоқда.**

# ПАҚИЛДОҚЛАР: РОҲАТМИ ЁХУД КУЛФАТ?

**Ҳабибулла АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси маслаҳатчиси**

Шу билан бирга, минг таассуфки, кейинги пайтларда айрим оилалар, турли байрам тадбирларини маҳаллаларда ўзбошимчалик билан мушакбозлик қилган ҳолда ўтказяптилар. Ачинарлиси, бунда фақат болалар, ёшлар эмас, балки, катталарнинг ўзлари ҳам бевосита иштирок этаётгани. Қўлбола, хавфсизлиги учун ҳеч ким жавоб бермайдиган пақилдоқлар, петардалар, фейерверклар ва “бомба”чалардан фойдаланиладиган мушакбозликлар байрамлар, ҳатто тўй-базмларнинг асосий унсурига айланди.

Мутахассисларнинг фикрича, пиротехника воситалари тез ёнувчи моддалардан тайёрланиб, деярли барчасида ёнғин хавфи юқори бўлади. Бугун ўзбошимчалик билан қўлланилаётган пиротехниканинг аксарияти, ҳаттоки уларни ишлаб чиқараётган давлатнинг ўзида сертификатга эга бўлмаган контрафакт маҳсулотлар саналади. Энг ёмони, тўй, байрам, кўнгилочар тадбирларда пиротехниканинг ана шундай турларидан фойдаланилмоқда.

Албатта, бунга қарши тегишли давлат органлари кураш олиб боряпти. Бундай маҳсулот ва воситаларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, республикага олиб киришга қарши курашиш борасида божхона органлари томонидан жиддий тадбирлар ўтказилмоқда. Биргина, 2019 йилда пиротехника воситаларининг божхона чегараларидан ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 310 та ҳолатда қиймати 4,7 миллиард сўмлик, 4,3 миллион дона, шунингдек, жорий йилда 100 та ҳолатда 2 миллиард сўмлик, 2,6 миллион дона фейерверк, салют, петарда, хлопушка каби “пақилдоқ”лар ушлаб қолинди. Жумладан, 2020 йил 20 ноябрь куни тўхтатилиб, кўздан кечирилган Ўзбекистон фуқароси бошқарувидаги “Isuzu” русумли автоуловда қиймати 303 миллион сўмлик, 6 хил турдаги 315 минг 417 дона пиротехника воситалари аниқланган ва далилий ашё сифатида олинган.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 сентябрь куни Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан Булоқбоши туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида қўшни давлат фуқароси С.Сатимов чегара ҳудуди орқали 8 та қутига солинган 52,2 миллион сўмлик 300 дона пиротехника воситаларини олиб ўтмоқчи бўлган вақтда ушланди. 27 октябрь куни эса божхона тезкор ходимларининг Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳудудида ўтказган тезкор тадбири давомида Ўзбекистон фуқароси Ш.Шавкатов бошқарувидаги “Ласетти” русумли енгил автотранспорт воситаси кўздан кечирилганда, автомашинада ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 4 турдаги 100 миллион сўмлик, 120 минг донадан ортиқ салют ва пиротехника маҳсулотлари аниқланган. 7 ноябрь куни Тошкент шаҳар божхона бошқармаси тезкор ходимлари томонидан Ш.Азизовга тегишли ноқонуний кириб келган товарларни сақлашга мўлжалланган Тошкент шаҳар Миробод туманидаги хонадон кўздан кечирилди. Тадбир натижасида мазкур хонадондан жами қиймати 300,2 миллион сўмлик, шундан 265,0 миллион сўмлик 30 минг донага яқин пиротехника воситалари ҳамда 35,0 миллион сўмлик 2427 қути тамаки маҳсулотлари олинди. Барча ҳолатлар юзасидан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

“Тўқликка шўхлик” деганларидек, бундай воситаларга талаб ва таклифнинг мавжудлиги ноқонуний савдо ортидан чўнтагини қаппайтириш, қонундан ва Яратганнинг қаҳридан қўрқмаётган, тинчлик, саломатлик каби бебаҳо неъматларнинг қадрини билмайдиган шахсларга қўл келмоқда.

Натижада *тўй-тантана, байрамлар азага айланиб, қаердадир ёнғин содир бўлган, кимдир тан жароҳати олган, яна ким куйиб қолган, кимнинг кўзи кўр бўлган, кимнингдир қўллари ёки бармоқлари узилган, боласи билан шифохонада тонг оттирган, кимнинг юраги хуруж қилган...* Бундай нохуш оқибатларга кўплаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин.



**БАРЧАСИНИНГ ДАВОСИ — ОТА-ОНАЛИКДЕК ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛГАН ҲОЛДА, ФАРЗАНДНИ ГЎДАКЛИГИДАНОҚ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР ЭГАСИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДИР. БУЮК АЛЛОМА АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, “БОЛА ХУЛҚИНИ МЎЪТАДИЛЛИКДА САҚЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК. ...БОЛАДАГИ ЁМОН ХУЛҚ ТУРЛИ МИЖОЗ БУЗИЛИШЛАРИДАН ПАЙДО БЎЛАДИ”.**

Тиббиёт ходимларининг хулосасига кўра, “пақилдоқ”нинг бехосдан қаттиқ портлаши кишини чўчитишга сабаб бўлгани боис юрак-қон томир тизимига ўта салбий таъсир кўрсатади. Кишиларнинг фожиали ўлимидан ташқари тананинг юз, кўз, қўл соҳаларида оғир чуқур куйиш жароҳатлари, кўзларнинг шикастланиши, кўриш фаолиятининг қисман ёки бутунлай бузилиши, жароҳат асорати билан боғлиқ пластик операцияларга муҳтожлик, куйган соҳаларда дағал чандиқлар, қўл бармоқлари соҳаларида контрактуралар ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда.

Пиротехника воситалари шовқинидан қаттиқ қўрқиш оқибатида руҳий бузилиш, сурункали асаб ва қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, ҳомилага зиён етиши ва бошқа касалликларга чалиниш мумкин. Кўпчилик ҳолларда пиротехниканинг кутилмаганда, яқин масофада портлашидан инсон баротравма ва акустик жароҳатлар олиб, карлик ёки умрбод қулоқ шанғиллаши (тиннитус) хасталигини орттириб олади.

Яна ҳаётий мисолларга қайтадиган бўлсак, Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 18 ёшли йигитнинг қўлида пиротехника воситаси портлаши оқибатида чап қўл панжа соҳасида катта ҳажмли эзилиш, йиртилиш, бармоқлар тирноқ фалангасининг травматик узилиши воқеаси содир бўлган.

Ўтган йили Янгийўл шаҳри “Файзиобод” маҳалласида қўлбола пиротехник воситалари кучли портлаши натижасида оиланинг якка-ю ягона фарзанди — 14 ёшли ўсмирнинг қўл-оёқлари сочилиб кетган ва жароҳат туфайли ўсмир вафот этган. Тан жароҳатлари билан боғлиқ бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мушакбозлик муқаддас динимизга ҳам ёт. Манбаларга кўра, бу амаллар маъжусийлик, будда каби динлар ғояларига кўра, “ёвуз руҳлар”ни ҳайдашга қаратилган. Хўш, куёвнавкарлар келиннинг уйига келишганда, келинни олиб чиқиб кетишаётганда, тўйхоналарда, келин янги уйга кириб бораётганда, янги йилни кутиб олаётганда, айрим туғилган кун ва юбилейларда “пақилдоқ” портлатишдан не фойда? Бунинг қандай маърифий-маънавий ёки тарбиявий аҳамияти бор?

Бунга ижтимоий томондан қаралса тинч аҳолига, қўни-қўшнига, бешикдаги гўдакларга, беморларга зулм ўтказиш, моддий тарафдан эса оила бюджетига зарар етказишдан бошқа нарса эмас. Ўзбошимчалик билан ташкил этилган мушакбозликлар ва пиротехниканинг аянчли оқибатлари — инсонларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, уларнинг соғлиги ва турар-жойларга жиддий зиёнлар етказилаётгани боис қонунчиликка қатъий ўзгартиришлар киритилди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга кўра, бугун республикада ягона “Bars sporting” МЧЖга лицензия берилган, холос.

Маиший мақсаддаги пиротехника буюмлари (хавфлиликнинг I-II даражалари) тайёрловчининг йўриқномаси талабларига риоя қилиш шарти билан якка тартибда фойдаланиш мақсадида фуқаролар томонидан эркин сотиб олиниши, ташилиши, сақланиши ва фойдаланилиши мазкур Низом билан тартибга солинган.

Пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, республикага олиб киришнинг олдини олиш борасида кескин чоралар белгиланди. Унга кўра, бундай фаолият одамлар ўлимига ва бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо қўлланиладиган жиноят ҳисобланади.

**БИРГИНА, 2019 ЙИЛДА ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ ОЛИБ ЎТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ 310 ТА ҲОЛАТДА ҚИЙМАТИ 4,7 МИЛЛИАРД СЎМЛИК, 4,3 МИЛЛИОН ДОНА, ШУНИНГДЕК, ЖОРИЙ ЙИЛДА 100 ТА ҲОЛАТДА 2 МИЛЛИАРД СЎМЛИК, 2,6 МИЛЛИОН ДОНА ФЕЙЕРВЕРК, САЛЮТ, ПЕТАРДА, ХЛОПУШКА КАБИ “ПАҚИЛДОҚ”ЛАР УШЛАБ ҚОЛИНДИ.**



Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори асосида бозорлар, савдо комплекслари ва корхоналарининг раҳбарлари ўз ҳудудларида пиротехника воситалари савдоси ва сақланиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишгача шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огоҳлантирилди.

Барча ресторан, кафе ва тўйхона эгалари томонидан тўй ва маросимларда фуқаролар ҳаётига хавф солувчи пиротехникадан фойдаланмаслик ҳамда тўйхона атрофида яшовчи аҳолининг тинчи бузилмаслиги учун тўй-ҳашамдан сўнг шовқинли ҳолатлар бўлмаслигини таъминлаш белгиланди. Шунингдек, бу борада кенг миқёсдаги тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, божхона хизмати органлари томонидан ушбу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар, жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тузилмалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Энди масаланинг туб моҳиятига, аниқроғи, фарзандларимизнинг “пақилдоқ”ларга ўчлиги ва иштиёқмандлиги ошиб бораётганига тўхталсак. Бу борада нотўғри тарбия ва кишилар онгида пайдо бўлган маънавий бўшлиқ, қонунлардан қўрқмаслик, уларни ҳурмат қилмаслик, “тақиқланган нарсани ўзида синаб кўришга уриниш” билан уйғунликда амалга оширилаётганлигини кўрамиз.

Сир эмаски, аввало бола ўз наслига тортади, ота-онадаги яхши фазилатлар ҳам, феъл-атворидаги қусурлар ҳам фарзандларга ўтади. Доно халқимизнинг “қуш уясида кўрганини қилади”, деган ибратли мақоли бежизга пайдо бўлмаган. Шу ўринда буюк мутафаккир Мирзо Бедилнинг қуйидаги мисраларини келтиришни лозим топдик:

*Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,*
*Осмонга етса ҳам қийшиқдир девор.*

Баъзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли фарзандлар ўзларига ўзлари зарар етказиб қўйяпти. Бу лоқайдлик уларнинг фарзанд доғида куйиши-ю, ногирон боқишига сабаб бўлмоқда. Янги йил олди аҳоли гавжум жойлар, савдо расталари ва бозорларга кирсангиз, “тоғни урса талқон қиладиган” сўлоқмондек ўсмир ва кап-катта йигитларнинг қариялар, ногиронлар, аёллар, болалар ва ҳаракатланишда кўмакка муҳтож шахсларнинг оёғи остига ёки яқинига пақилдоқлар ташлаб ҳузурланишига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Қўрқиб кетган жабрланувчиларнинг эса “падарингга лаънат” дея койингани, бўралатиб сўккани ёки қарғаганини ҳам эшитганмиз.

Бунақа қарғишларга “сазовор” бўлаётганлар кимлар?

Улар беқарорлик, стресс ва депрессия шароитида, мафкураси заиф, маънавияти ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ғоявий тарбияси етарли бўлмаган оилаларда худбин, лоқайд, шафқатсиз, аламзада, ахлоқсиз бўлиб вояга етган шахслардир. Жангари ўйинларни ўйнаб, жангарилик муҳитида вояга етган фарзанднинг қалби қотиб, ёвузлик, шафқатсизлик, зўравонлик, золимлик, тошбағирликни вужудига жо қилади. Бундай шахсларнинг онги-шуурида жаҳолат ва вайронкор ғояларга мойиллик каби иллатлар ҳукм суради. Онгни эгаллаб олган бундай иллат сабаб худбинлик, худкушлик, босқинчилик, талончилик каби жиноятларни бемалол содир эта олади.

Барчасининг давоси — ота-оналикдек шарафли масъулиятни ҳис қилган ҳолда, фарзандни гўдаклигиданоқ яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашдир. Буюк аллома Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, “Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. ...боладаги ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан пайдо бўлади”.

Бундан англанадики, яхши хулққа пақилдоқ ёки қандайдир жангари ўйин ва вайронкорлик билан эмас балки, юксак билим, намунали одоб-ахлоқ, маърифат, спорт, санъат ва фойдали меҳнат билан эришилади.

Зеро, бугун юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббусни амалга ошириш учун керагидан ортиқ имкониятлар мавжуд. Шу боис, халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат турлари бўйича танловларда фарзандларимизнинг юқори марраларни эгаллаб, дунё аҳлини лол қолдираётгани бекорга эмас.

Фарзандининг яхши яшашини, бахтли бўлишини ҳамма истайди. Унинг бахтга бўлган интилишларини сўндирмасликка ҳаракат қилади. Бироқ, болани хафа қилмаслик учун унинг хоҳлаганини эмас, ахлоққа зид бўлмаганини ширин такаллуф, қаноатбахш сўзлар билан сийлаш муҳимдир.

Тажриба

# Қумдаги иссиқхонада помидор ҳосилга кирди

**Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



**Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи ҳудудининг анча қисми қумликлардан иборат.
Ҳали ўзлаштирилмаган бу жойларни асосан юлғун, қамиш ва тикан босиб ётарди. Бир неча йил Россияда ишлаб келган Наврўз Абдуллаев қумлоқдан иборат кенгликда иссиқхона қуришга жазм этди.**

Термиз тумани ҳокими қарори ва туман кадастр ташкилоти орқали “Арена Термиз” хусусий корхонаси балансига саккиз гектар қумлик ер расмийлаштирилди. Шўрлаб ётган, шувоқ, тикан қоплаган қумликни қудратли техникалар ёрдамида кафтдек текислади. Россияда ишлаб топган сармоясига замонавий иссиқхона қуришга киришди.

Металларни пайвандлаш учун электр энергияси керак бўлди. Аммо ҳали қумликка электр линияси тортилмаган эди. Шу ўртада балиқчилик билан шуғулланаётган икки-уч тадбиркор билан ўзаро маслаҳатлашиб, ўз маблағлари ҳисобидан 5 километр масофага эски симёғочлар ўрнатди, Учқизилдан электр симларини тортиб келди. Наврўз тажрибали пайвандловчилар қўлига иссиқхона лойиҳасини бериб, ўзи уларга бош бўлди. Тўрт ой деганда ҳажми бир гектардан кенгроқ иссиқхона қурилди.

Кейин фақат қумдан иборат ерда помидор ва бошқа экинлар ўстириш учун иссиқхонани унумдор тупроқ билан тўлдириш чорасини излади. Термиз шаҳрига келса, бир неча қурилиш ташкилотлари кўп қаватли уй-жой қуряпти. Қурувчилар раҳбари билан суҳбатлашган эди, уйлар ертўласидан чиққан ва тоғдай уюлиб ётган тупроқ қурилишга халақит бераётганини айтиб қолди. Икки томоннинг келишувига асосан, қурувчилар 30 тонналик юк машиналарига тупроқни ортиб берадиган, эвазига Наврўз Абдуллаев техника хизмати ва ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларини тўлайдиган бўлди. Шу тариқа бир ой деганда, қурилиш майдонларидан олтмиш машинадан кўпроқ тоза тупроқ иссиқхонага олиб келинди.

Тупроқ масаласи ҳал бўлгач, Термиз туманининг Хотинработ яйловларига чиқиб, чорвадорлардан 100 тоннадан кўпроқ гўнг сотиб олди ва тупроқ билан аралаштирди. Яна фосфорли, азотли ўғитлардан ҳам фойдаланди.

Галдаги вазифа иссиқхонага ниҳол экиб, суғориш эди. Тупроқ солингани билан таги қум. Эгат очиб, ариқдан сув қуйилса, қумга сингиб кетади, боз устига, тупроқни ювади. Шуларни ўйлаб тадбиркор иссиқхонада томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга қарор қилди. Бу усулда ҳар туп ниҳол сувга қонади, эгатларда сув кўлламайди. Томчилатиб суғоришда минерал ўғитлар ҳам эгатларга солиб чиқилмайди. Бир жойда атрофи бетонлаштирилган ҳовуз қилинади-да, азотли, фосфорли, калийли ўғитлар солиниб, сувда эритилади. Ҳовуздаги сув насос ёрдамида босим билан ингичка қувурларга ҳайдалади. Ниҳоллар бир йўла ҳам сувдан, ҳам ўғитдан баҳраманд бўлади.

Тадбиркор Наврўз Абдуллаев барпо этган иссиқхонадан 500 метр наридаги каналда доимо сув бор. Аммо иссиқхона экинларига канал сувидан фойдаланиб бўлмайди. Айниқса, куз ва қиш ойлари канал суви совуқ бўлади. Совуқ сув эса иссиқхонанинг 30-32 даражали иссиғида яшнаб турган экинларни қуритади. Шунинг учун тадбиркор 25 метр чуқур қазиб, насос ўрнатди. Ер остидан тортиб олинаётган илиқ сувдан ҳовуз тўлдирилади ва ингичка қувурлар ёрдамида ниҳоллар томчилатиб суғорилади.

— Ҳар қандай экин ерда намлик, зах кўп бўлса, тез касалланади. Томчилатиб суғоришнинг афзаллиги шуки, ниҳоллар касалликка чалинмайди, — дейди Наврўз Абдуллаев. — Сув билан аралашма ўғитлардан баҳраманд бўлган экин илдизи бақувватлашади, серҳосил ўсади.

Не бир машаққатлар билан қумликда иссиқхона барпо этган ишбилармон ўн нафар мавсумий ишчи билан жорий йилнинг март ойидан то июнь ойигача 25 тонна помидор, 3,5 тонна булғор қалампири йиғиб олди.

— Шу пайтгача шахсий сармоямиз ва банкдан олинган 200 миллион сўм кредитни фақат харажатларга сарфладик, — дейди корхона иш бошқарувчиси Акмал Абдуллаев. — Энди эртаги ва сифатли сабзавот маҳсулотларини халқимиз дастурхонига тортиқ этиш баробарида фақат фойда кўрамиз.

Ишбилармон деҳқонлар сентябрь ойидан буён иссиқхонага помидорнинг “Беруний” ва “Азра” навлари кўчатидан 14 минг тупини экиб, парваришламоқда. Ҳозир ниҳоллар ёппасига гуллаб, шиғил-шиғил ҳосил тугмоқда. Сентябрь ойининг охирида экилган “Лотто” навли 8 минг туп булғор қалампири ниҳоллари ҳам гуллаб қолди. “Пиколина” навли 2 минг туп бодринг кўчати ҳам палак ёзиб, пушта устини қоплаган. Деҳқонлар иссиқхонасида парваришланаётган булғор қалампири ва бодринг ҳосили янги йил арафасида эл дастурхонига тортиқ этилади. Помидор эса январь ойи охирларида бозорга чиқарилади.

Албатта, бир гектарли иссиқхонада маҳсулот етиштириш бир-икки кишига қийин. Шу боис, 10 нафар мавсумий ишчи ёлланади. Ўз ишининг устаси бўлган агроном Рустам Ҳамроев эса тадбиркорга ҳам маслаҳатчи, ҳам ҳамкор. У иссиқхонага тез-тез келиб, зироатлар ҳолати билан танишади, қайси пайт суғориш, қайси кун ниҳоллар остини юмшатиш кераклигини ўргатади. Иссиқхона печларда кўмир ёқиб иситилмоқда.

Ҳа, бозор иқтисоди шароити одамларни меҳнаткашликка, тадбиркорликка ўргатмоқда. Кечагина тап-тақир қумликдан иборат жойда бугун тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан иссиқхона қурилиб, маҳсулот етиштириляпти. Улардан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

Инвестиция

# Артемия саноати — янги йўналиш

**Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Орол денгизи сувининг шўрланиш даражаси литрига 10-15 граммни ташкил этган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 50-60 граммга етди.**

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бугун эса 160 граммдан ҳам юқори. Яъни 1 литр сувда 160 граммдан кўпроқ туз бор. Бу денгизда жонзотлар яшолмайди, дегани. Лекин шундай шўр сувда ҳам яшай оладиган биргина мавжудот бор. Бу — артемия.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Орол денгизи бугунги кунда артемияларнинг яшаши ва кўпайиши учун яхшигина маконга айланди. Денгизнинг жадал қуриши ва сувнинг кучли шўрланиши натижасида ундаги жониворлар бирин-кетин йўқ бўла бошлади, бу эса артемияларнинг кўпайишига замин яратди. Чунки денгизда уларни ейдиган балиқлар йўқ бўлиб кетди. Шу боис, бу ерда артемия саноатига асос солинди.

Орол денгизининг суви сақланиб қолган қисмида артемияларни овлаш 2000 йиллардан бошланганди. Шу асосда тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳам йўлга қўйилди. 2009 йилда бу ерда артемия овлайдиган битта корхона бўлиб, йилига 3 тонна артемия цистасини йиққан бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 23 тага етди ва жами 580 тоннага яқин маҳсулот йиғилди. Бугунги кунда улар сони янада кўпайди. Эътиборлиси, чет эл инвесторларини жалб қилиш орқали ушбу саноат турини ривожлантириш ва соҳани жонлантиришга эришилмоқда. “Жасмин голд” масъулияти чекланган жамияти негизида “Орол артемияси” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси 2017 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди.

— Корхонамизда мўйноқлик 90 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган, — дейди ишчи Аманжол Мендалиев. — Илгари туманда ўзимга тайинли иш топмагач, чет давлатларга бориб ишлашга мажбур эдим. Ҳозир эса шу корхонага доимий ишга жойлашдим.

Дунё тажрибасида артемия цисталари асосида олинган маҳсулотлар 5 та соҳада — аквамаданият, агросаноат, фармацевтика, тиббиёт ва косметологияда кенг қўлланилади. Артемия цисталаридан тайёрланган маҳсулотларнинг қарийб 90 фоизи аквамаданият соҳасида ишлатилади. Чунки ушбу ноёб маҳсулотнинг таркиби протеин, аминокислота ва витаминларга бой. Балиқлар ҳамда қисқичбақасимонларни кўпайтиришда ундан бошланғич озуқа сифатида ҳам фойдаланилади. Корхона жамоаси яқин истиқболда артемияларни қадоқлаб, тайёр маҳсулот чиқаришни режалаштирган. Бунинг учун хориж тажрибасини ўзлаштиришга жиддий киришилган.

— Биз ҳозир денгиздан келтирилган артемияларнинг ўсиш, кўпайиш жараёнини кузатяпмиз. Ҳаво ҳарорати, намлик, сувнинг шўрланиш даражасини қатъий текшириб, синовдан ўтказмоқдамиз, — дейди корхона технологи Ванг Зианфенг. — Олинган натижаларни доимо қайд этиб борамиз. Бу келажакда артемия саноатини ривожлантиришда муҳим омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Денгиздан йиғиб келтирилган, қайта ишлов берилган артемия цисталари “Қўнғирот” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости орқали эскпортга йўналтирилади. Божхона расмийлаштируви электрон тарзда, назорати эса бевосита артемия цисталари музлатгичдан юк фураларига ортилаётган Мўйноқ туманининг ўзида амалга оширилади.

Корхона жамоаси артемия саноати билан боғлиқ янги лойиҳалар устида ишламоқда. Шу орқали соҳага янада кўпроқ инвестиция киритиш режалаштирилган.

## Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

# ФИНЛЯНДИЯДА ОТА-ОНАЛАР МАКТАБ ТАНЛАМАЙДИ

**Рисолат МАДИЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Шу йилнинг 6 ноябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда янги Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқишда хорижлик экспертлар, жумладан, Финляндиянинг малакали мутахассисларини жалб қилиш назарда тутилган.**



Мамлакатимиз таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишда нима учун финляндиялик мутахассисларни жалб қилиш кўзда тутилмоқда? Финляндия таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Таълим тизимига оид шу каби саволлар билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Улуғбек Тошкенбоевга мурожаат қилдик.

**— Финляндия таълим соҳасида юқори натижаларга эришган давлатлар сирасига киради. Ушбу мамлакат тажрибаси ва амалиётининг устуворлиги нималарда кўринади?**

— Президентимиз 30 октябрь куни мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим сифатини ошириш бўйича мулоҳазаларини билдирар экан, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлаганди. Бу борада жаҳон тажрибасида энг илғор мамлакатлардан бири сифатида Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди.

Бу мамлакат сўнгги йиллар давомида бир қатор халқаро рейтингларда мунтазам равишда нуфузли ўринларни эгаллаб келади. Улар бундай натижага таълим тизимига киритилган сармоя ва билимга асосланган иқтисодиётни яратиш ҳисобига эришди, десак муболаға бўлмайди.

Биламизки, ушбу мамлакат бугунги кунда умумий саводхонлик, табиий ва математика фанлари ўқитилиши бўйича дунёда энг илғорлардан бири. Умуман финлар таълим соҳасида изчил равишда юқори натижаларни эгаллаб келмоқда.

Финляндияда айни пайтда асосий эътибор таълим сифатига қаратилган. Таълим жараёни доимо мамлакат ишлаб чиқариш сектори эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ кечади. Яъни Финляндия таълим жараёнларига ёндашувни ўзгартириш ва ўқувчиларни имтиҳонга эмас, ҳаётга тайёрлаш эвазига ушбу кўрсаткичларга эришди.

Ушбу мамлакат таълим сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган халқаро тадқиқотлардаги муваффақиятларини ҳам эътироф этишимиз керак. Фин ўқувчилари халқаро тадқиқотлардаги барча йўналишларда саводхонлик ва таълим тенглиги кўрсаткичлари бўйича энг олдинги ўринларда.

Мазкур тадқиқотларда ўқувчиларнинг маълумотларни эслаб қолиш қобилиятига эмас, балки эгаллаган билимларини реал ҳаётий вазиятда қўллай олиш, мантиқий ва ижодий фикрлаш қобилияти баҳоланади. Айни шу нуқтаи назардан ҳам таълим соҳасига ўқувчиларни ёдлашга эмас, фикрлашга ўргатадиган ўқитиш методикасини жорий этишда Финляндия тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

**— Финларнинг бу борадаги муваффақияти асосан нималарда намоён бўлади?**

— Бунинг асосий омили, аввало, ўқувчи ва талабаларни ҳаёт давомида керак бўладиган амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг жорий этилганлиги, талаблар ҳамма учун баробар эканлиги ҳамда педагоглар тайёрлашнинг аъло даражадаги тизими мавжудлигида. Финляндия таълим тизими негизи "Ҳар қандай ўқувчи юқори натижага эришиши мумкин, ҳар қандай мактаб у қаерда жойлашганидан қатъий назар сифатли таълим бериши керак" деган тамойилга асосланади. Асосий эътибор таълим жараёнида иқтидорли ўқувчиларга эмас, балки ўзлаштиришда орқада қолаётган ўқувчиларга қаратилади. Чунки финларнинг қарашларига кўра, аълочи, иқтидорли ўқувчи ҳаётда ўз ўрнини топиши қийин эмас. Аммо ўзлаштириши қийин ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.



Тадқиқотчилар финлар эришган муваффақият омилларини уч гуруҳга ажратади: ўқитувчилар салоҳияти, таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва фин маданияти.

Биринчи омил, яъни ўқитувчилар салоҳияти, аввало, ўқув дастурига боғлиқ. Ўрта мактабнинг энг яхши битирувчилари бўлажак ўқитувчилар сифатида танлаб олинади. Улар учун алоҳида мактаб белгиланади ва бўлғуси педагоглар дарс вақтларининг 10-15 фоизини ушбу мактабларда ўтказади. Талаба-ўқитувчилар мактабларда барча керакли ўқув материаллари билан таъминланади, уларга алоҳида хона ажратилади. Бу билан улар ҳам дарс жараёнини кузатишади, ҳам мактаб фаолиятида бевосита иштирок этади, муайян тажриба ва кўникма ҳосил қилади.

Ўқитувчиларнинг мослашувчанлиги ва мустақиллиги таълим сифатини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Агар улар малака оширишни хоҳласа, маъмурият ҳар доим қўллаб-қувватлайди. Ўқитувчи малака ошириш курсида олган билим ва кўникмаларини бошқа ҳамкасблари билан баҳам кўриши тавсия этилади.

Иккинчи омил, яъни таълим соҳасидаги давлат сиёсати изчил ва узоқ муддатли стратегия, билимга асосланган бўлиб, жамиятга содиқлик, таълимда тенг имкониятлар ва маҳаллий ҳокимиятнинг таълим соҳасидаги ваколатларининг кенглиги билан изоҳланади. 1970 йилдан буён муваффақиятли амал қилиб келаётган мазкур омиллар натижасида кучли таълим тизими яратилди.

Таълим сиёсати билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат — бу, таълим муассасалари билан марказий ҳамда маҳаллий бошқарувнинг мувозанати. Маҳаллий ҳокимият органлари, мактаб ва ўқитувчилар мустақил равишда қарор чиқариш ёки қабул қилиш ваколатига эга. Бу, ўз навбатида, уларга ўқув жараёнини самарали ташкил этишда ҳам катта имконият беради, ҳам масъулият юклайди.

Учинчи омил, яъни фин маданияти жамиятда таълим муассасалари ва ўқитувчиларга бўлган юксак ишонч, ўқитувчининг мавқеи ва обрўи юқори экани билан боғлиқ.

Ўқитувчилар салоҳияти – таълим муассасалари муваффақиятининг муҳим омилларидан бири. Синф раҳбари ҳам, фан ўқитувчиси ҳам ўзи ўқитадиган фанни жуда яхши билади, ўқувчиларнинг дарсда фаол бўлишлари учун ранг-баранг ўқитиш методикасидан фойдаланади.

Бундан ташқари, фин жамиятида китобхонлик маданияти жуда юқори. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг муваффақиятга эришишига бевосита таъсир кўрсатади. Кутубхоналар кўп ва доимо гавжум.

Мактабларда ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, компьютер ва планшетлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

**— Финляндия таълим тизимининг 7 та асосий тамойили мавжуд: тенглик, бепул таълим, индивидуаллик, амалийлик, ишончлилик ва ўқитувчилар салоҳияти, ихтиёрийлик ҳамда мустақиллик. Ана шулар ҳақидаги фикрларингиз?**

— Финляндиядаги барча мактаб ўқувчиларига бир хил шарт-шароит ва таълим тизими амал қилади.

Бепул таълим Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан саналади. Чунки унда мактабгача ва ўрта умумий таълим олиш бепул.

Индивидуаллик — ўқитувчилар дарсларни қийин ўзлаштирадиган ўқувчилар, яхши ўзлаштирган ўқувчилар билан алоҳида шуғулланади. Қўшимча дарслар ўтилмайди.

Амалийлик — ўқувчиларни имтиҳонга эмас, ҳаётга тайёрлашдан иборат. Масалан, ўқувчилар дарсларда виза картадан қандай фойдаланиш, шартномалар тузиш, сайтлар яратиш, тикиш, овқат пишириш, маркетинг ва сотув каби амалий ишлар билан ҳам шуғулланади.

Ишончлилик ва ўқитувчилар салоҳияти тамойили барча мактабдаги ўқитувчиларнинг магистратура даражасига эга бўлиши шартлигини англатади. Финляндияда ота-оналарнинг ўқитувчиларга ишончи юқори. Ўқитувчилар ҳурматли шахс саналади. Улар салоҳиятининг юқорилиги фин таълим тизими муваффақиятининг асосий омили ҳисобланади. Мактаб маъмурияти ва ота-оналар ўқитувчиларнинг ўз вазифасига сидқидилдан ва масъулият билан ёндашишига ишонади.

> **ФИНЛЯНДИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БУ ДАРАЖАГА ЕТГУНИЧА СОҲАДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН. ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КЎП ВАКОЛАТЛАР ҚУЙИ БЎҒИНГА БЕРИЛДИ. СОҲАГА КЎПРОҚ ҲУДУДИЙ МУНИЦИПАЛИТЕТЛАР, ЯЪНИ ҲОКИМЛИКЛАР МАСЪУЛ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ.**



Ихтиёрийлик — ўқувчиларнинг дарсда иштирок этиш, этмаслиги ўзларининг ихтиёрида эканлигини англатади. Ўқитувчи агар ўқувчини қизиқтира олмаса, ўқувчи синфни тарк этиши ёки ўзи ёқтирган бошқа бир машғулот билан шуғулланиши мумкин.

Мустақиллик — ўқувчиларга билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда имкон қадар эркинлик беришдан иборат. Олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаси амалий машғулотлар ёрдамида шакллантирилади. Ўқувчининг ҳар қандай фикри инобатга олинади ва қўллаб қувватланади.



Ўқувчига фақат ёдлаш ёхуд ўзимиз билган билим ва тажрибани ўргатиш билан чеклансак, у биз юрган йўлдан юриши ёки биз билган нарсанигина билиши мумкин. Биз агар ўқувчига мустақил фикрлашни ўргатсак, у ҳам узоққа боради, ҳам жамиятда ўз ўрнини топади.

**— Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчи мақомини ошириш ва бу борада қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгиланган. Финляндияда бу борада қандай ижобий тажриба мавжуд?**

— Ушбу давлат вакиллари билан мулоқот қилганимизда, тажрибасини ўрганганимизда ёшлар ўртасида ўқитувчилик касби эгаллашга иштиёқ жуда юқори экани маълум бўлди. Бу жуда муҳим. Чунки ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълим натижаларини баҳолаш ва соҳага оид қарорлар қабул қилишда ўқитувчи асосий ўрин тутади. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги юқори даражадаги ҳамкорлик таълим тизимининг узлуксиз ишлашига ёрдам беради.

Ўқитувчи бўш вақтининг кўп қисмини ўзлаштира олмаётган, эътибор талаб қиладиган ўқувчиларга сарфлайди. Бунга унинг ассистенти ёрдам беради.

Ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишга "Таълим тизими сифати ўқитувчи сифатидан юқори бўла олмайди" тамойили асосида ёндашилади. Олий таълимнинг энг яхши битирувчилари ўқитувчиликка жалб қилинади.

Финляндия таълим тизими бу даражага етгунича соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилган. Таълим соҳасида қарорлар қабул қилишда кўп ваколатлар қуйи бўғинга берилди. Соҳага кўпроқ ҳудудий муниципалитетлар, яъни ҳокимликлар масъул этиб белгиланди. Шу боис бизда ҳам айни пайтда таълим соҳасида маҳаллий Кенгаш ва ҳокимликларнинг роли ҳамда масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**— Финляндия таълим тизимини ўрганиш ва мутахассисларни жалб қилиш юзасидан айни пайтда республикамизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Мазкур мамлакат таълим тизимидаги илғор жиҳатларини ўрганиш учун Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда "Йўл харитаси" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда фин таълим тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда самарали татбиқ қилишга қаратилган вазифалар, чора-тадбирлар белгиланди. Пандемия шароитига қарамай финляндиялик мутахассислар билан мунтазам равишда онлайн учрашув ва семинарлар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг 25 ноябрь куни Бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусаев бошчилигида Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Лиивала Маржа хоним, Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги таълим бўйича элчиси Салл Маряна хоним, Финляндия таълим ва маданият вазирлиги ҳамда Миллий таълим агентлиги мутасаддилари билан онлайн учрашув бўлиб ўтди. Унда келгусидаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Финляндия томони мазкур масалада биз билан ҳамкорлик қилиш ва қўллаб-қувватлашга тайёрлигини маълум қилди. Бугунги кунда Финляндия тажрибасини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи шакллантирилди ва унинг аниқ вазифалари белгиланди. Фин тажрибасини Ўзбекистонда жорий қилиш юзасидан фин мутахассислари ва Финляндиядаги фаол ватандошларимиздан иборат экспертлар гуруҳини ташкил этиш, улар билан ҳамкорлик ўрнатиш шу йил охири — келгуси йилнинг дастлабки ойларида амалга оширилади. Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси кўмагида экспертлар гуруҳига киритиш учун Финляндиядаги ватандошларимиз рўйхати шакллантирилади. Экспертлар гуруҳи аъзоларининг Ўзбекистон таълим тизими органлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

Финляндия тажрибасини ўрганиш учун хорижий экспертлар жалб қилинади. Хорижий экспертлар билан онлайн учрашувлар ўтказиш, уларнинг Ўзбекистонга ташрифини амалга ошириш, Финляндия томони билан келишган ҳолда 2 нафар фин мутахассисини юртимизга консультант сифатида доимий фаолиятга жалб қилиш кўзда тутилган.



# МИЛЛАТИМИЗ ЁШЛАРИГА МАҚСАДСИЗЛИК ЯРАШМАЙДИ



**Ҳасан УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**
**ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими бошлиғи**

Жамият тараққиёти, миллат фаровонлиги ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Юртимизда кейинги йилларда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ўқитувчи касби нуфузини ошириш долзарб масала бўлиб қолди.

Шу мақсадда жорий йилнинг 30 октябрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди. Олий таълим муассасалари ректорларига мактабларга бориб, уларнинг муаммолари билан шуғулланиш вазифаси юкланди.

Мазкур йиғилишнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ҳужжатда умумтаълим мактаблари битирувчиларини олий таълимга жалб қилиш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ушбу муҳим ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган **"Фарзандларимиз келажаги учун барчамиз масъулмиз!"** мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда таълим соҳасига берилаётган эътибор ҳақида сўз юритдилар.

— Миллат тақдири муаллимларнинг ўқувчиларга бераётган таълим-тарбиясига боғлиқ, — дейди тадбир иштирокчиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо. — Чунки бугун аксарият ёшларимизнинг билим савияси, дунёқарашини кўриб, миллий қадриятларимиз бироз унутилаётгандек туюлади. Ҳаттоки оддий муомала маданиятида ҳам бунга гувоҳ бўляпмиз. Бу бизга, миллатимизга ярашмайди. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов каби миллат зиёлиларининг камол топиши замирида ўтган аср аввалидаги жадид боболаримизнинг заҳматли меҳнати ётибди. Ўйлайманки, таълим соҳасида бўлаётган бу ўзгаришлар ортидан яна кўплаб зиёлилар, буюк инсонлар етишиб чиқади.

Бу борада олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилганини айтиш жоиз. Ҳудуддаги салоҳият ва олий таълим муассасаларининг сонига қараб, нафақат битирувчилари олийгоҳларга кирмаган, балки натижалари ўртача кўрсаткичдан паст бўлган мактабларни ҳам олий таълим муассасаларига бириктириш жорий этилди. 95 та олий таълим муассасаси ва уларнинг филиалларига республикадаги 634 та мактаб бириктирилгани ҳам бу борадаги тизимли ишларга киришилганидан далолатдир.

Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясига таълим сифати ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва методик қўллаб-қувватлаш учун пойтахтнинг Олмазор туманидаги 1, 15, 24, 159 ҳамда 242-умумтаълим мактаблари бириктирилди.

Мазкур мактабларда "Олимлар куни", "Ҳаёт сабоқлари" ва "Кафедралар соати" каби мавзуларда семинар ва очиқ мулоқотлар ўтказилади. Фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва сифат таркибини яхшилашга кўмаклашилади. Юқори синф ўқувчилари учун уларнинг қизиқиш ва қобилиятидан келиб чиқиб мактаб ҳузурида олий таълим муассасаларига кириш синовларига тайёрлов курслари ташкил этилади.

— Бугунги кунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатида олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўртасидаги узвийликни таъминлашга эътибор қаратилган, — дейди Давлат бошқаруви академиясининг бошқарув маҳорати кафедраси доценти вазифасини бажарувчи Лола Иноғомова. — Ҳозирги кунда нафақат олий таълим муассасалари, балки умумтаълим мактабларида ҳам болаларга таълим бериш, психологик хизматни ривожлантириш талаб этилади. Ушбу йўналишда фаолият юритувчи ўқитувчиларимизга соҳа мутахассислари янгилик ва керакли кўникмаларни бериши зарур. Болаларни психологик, ижтимоий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган методикаларни кўпайтиришимиз мақсадга мувофиқдир. Энг асосийси эса мактабда вужудга келаётган муаммоли вазиятларни тизимли равишда ечиб бориш, олий таълим муассасаси ва умумтаълим мактаблари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш.

Очиқ ва эркин ўтган мулоқотлар давомида Ўзбекистон халқаро ислом академиясига бириктирилган бешта умумтаълим мактабидаги моддий-техник камчиликлар, дарс ўтиш жараёнида учраётган муаммолар санаб ўтилиб, уларни бартараф этиш бўйича амалий кўрсатмалар берилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 1 декабрь, 231-сон

Туризм



# ХИВА — БУЮК МЎЪЖИЗА

**Хоразм Маъмун академияси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, архитектура фанлари доктори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гавҳар ДУРДИЕВА билан суҳбат**



Хива юртимизда ЮНЕСКО томонидан “Очиқ осмон остидаги музей шаҳар” дея олий мақом олган ягона маскан. Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида бу қадим кентнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш учун асрларга тенг ишлар қилинди. Бугун қадим Хивани томоша қилиш, ундаги меъморий-тарихий ёдгорликларни кўриш учун дунёнинг беш қитъасидан кўплаб сайёҳлар келмоқда. Шу ўринда Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттераннинг машҳур гапи эсга тушади: “Францияда Хивани умрида лоақал бир бор бориб кўрмаган француз — француз эмас, деган ибора бор. Бу қадим ва навқирон Хивага берилган юксак таърифлардан бири”.

Гавҳар Дурдиева шу қадим шаҳар фарзанди. Илмий тадқиқотлари ҳам бевосита шаҳар билан, унинг дунёга машҳур меъморий обидалари билан боғлиқ. Тўғрироғи, неча асрлар ер юзида собит турган меъморий обидаларга “иккинчи умр” бахш этишга алоқадор.

**— Гавҳар опа, яқинда “Хивада янги минора топилди” деган хабар ўқиб қолдим. Қизиқ, бизнинг тасаввуримизда қадим шаҳар бутун борлиғи билан намоён бўлаётгандек, унинг очилмаган сиру синоатлари қолмагандек.**

— Икки минг етти юз эллик йиллик тарихга эга Хива ўз бағрида қанчадан-қанча сиру синоат ва осори-атиқаларни очилмаган қўриқ сингари яшириб келмоқда. Унинг жозибаси оҳанрабо сингари инсонларни ўзига тортиши сири ҳам шунда.

Шу кунгача қадим шаҳарда мавжуд миноралар сони 16 та бўлиб, уларнинг барчаси давримизгача деярли бешикаст, яхши сақланган ҳолда етиб келган. Маъмун академияси олимлари тарихимиздан сўзловчи бу меъморий обидаларни илғор илмий-техникавий услубларни қўллаган ҳолда тадқиқ этиш, ҳолатини янада яхшилаш, келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Айни пайтда сайёҳлик йўналишига киритиш мақсадида янгидан-янги меъморий ва тарихий обидаларни излаб топиш жараёни ҳам изчил илмий изланишларимиз мазмунини ташкил қилади.

“Дишан қалъа”нинг “Каптархона” маҳалласи ҳудудида шу пайтгача тарихий ёдгорлик сифатида рўйхатга олинмаган, кўпчиликка номаълум ёки эътиборсиз қолиб келаётган минора аниқланиши юқоридаги сўзларим исботи. Бу қадим шаҳардаги 17-минора. Ўзимнинг тадқиқ ишларимда Хивадаги барча минораларни ўрганиб, алоҳида монография тайёрлаяпман.

“Янги топилган”, аслида мавжуд бўлган ушбу минора деярли уч аср илгари хонлик тахтига келган қўнғирот сулоласи асосчиси Муҳаммад Амин Иноқ ва унинг набираси, 1804-1806 йилларда Хива хони бўлган Элтузархоннинг ўғли Раҳбердибой Иноқ томонидан бунёд этилган. Баландлиги 10, эни 3 метру 20 сантиметрга тенг бўлган ушбу минора қурилиш услуби, қурилишда ишлатилган хомашёлари бўйича шаҳардаги бошқа бирорта минорани такрорламайди. Ғиштларни теришда зилзилабардошликка алоҳида эътибор қаратилгани ҳайратланарли. Шу боисдан минора икки аср ўтган бўлса-да яхши сақланган, мукаммал таъмирлашга муҳтож эмас.

Келгусида ушбу минора ва унинг тарихи билан боғлиқ манзил ҳам сайёҳлик йўналишига киритилиши устида ишлаяпмиз.

**— Асрлардан мерос меъморий обидаларни келгуси авлодларга ҳам асл ҳолида етказиш, уларнинг сақланиши, табиий офатларга чидамлилиги масаласи ҳамиша долзарб. Бу борада академия олимлари қандай изланишлар олиб боряпти?**

— Бу ҳамиша эътиборда бўладиган масала. Хива шаҳрининг рамзига айланган, баландлиги 56 метр бўлган Исломхўжа минорасининг сақланиш ҳолатини ўргандик. Минора пойдеворининг бир қисми очиб кўрилди. Боболаримиз минорага узоқ умр бағишлаш учун унинг пойдеворини жуда мустаҳкам қўйишганига гувоҳ бўлдик. Тўғри, аксар меъморий обидалар ўта мустаҳкам пойдевор устига тикланган, ҳатто зилзила ва бошқа табиий офатлар ҳам инобатга олинган. Аммо, ҳамиша “инсон фактори” деган тушунча бор. Айнан меъморий обидаларга табиий унсурлардан кўра одамларнинг эътиборсизлиги кўпроқ зиён етказади. Замонавий бинолар қуриш учун ер ажратилганда айнан яқинидаги меъморий обиданинг “хавфсизлик чегараси” қатъий инобатга олиниши керак. Шу борада биз олимлар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар жуда муҳим.

**— Қадим шаҳарнинг дунёга қайта юз очишида давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган эътибор катта аҳамият касб этди, албатта. Хивага темир йўл тортилишини назарда тутяпман...**

— Бир аср илгари шу эзгу ишни мақсад қилган хонликнинг бош вазири Исломхўжанинг орзуси Президентимиз ташаббуслари билан қисқа фурсатда амалга ошди. Темир йўл тортилиши билан шаҳарга келаётган сайёҳлар сони кескин кўпайди. Буни биргина рақам кўрсатиб турибди. 2018-2019 йиллар давомида туризм экспорти 4 миллиард сўмдан 14 миллиард сўмгача ошди. Сўнгги икки йилда янгидан 22 та замонавий меҳмонхона қурилди ва уларнинг сони элликдан ошиб кетди.

**— Сайёҳлар сони кескин ошгани яхши. Аммо, барча қитъалардан ташриф буюраётган сайёҳларни қадим шаҳарда “кўпроқ ушлаб туриш”, яъни уларни ўлкамизнинг бой маданий, меъморий, тарихий мерос иншоотлари билан таништириш ҳам жуда муҳим.**

— Тўғри, сайёҳлар Ичан қалъадаги меъморий, тарихий обидаларни томоша қилиш учун кўпи билан уч кунини сарфларди. Эндиликда ана шу вақтни камида 7 кунга узайтириш учун жиддий ҳаракатлар бошланган.

Маълумки, Ичан қалъа ҳудуди 26 гектарни ташкил қилиб, 1842 йилда Оллоқулихон даврида 36 кунда тикланган. 6 600 метр узунликдаги девор ичидаги “Дишан қалъа” эса икки юз гектарни ташкил қилади. Ҳозирда ушбу деворнинг йўқолиб кетган олтмиш фоизга яқин қисми қайта тикланмоқда. 10 та ҳашаматли дарвозаси бўлган “Дишан қалъа” ҳудудида ҳам кўплаб меъморий ёдгорликлар мавжуд. Ушбу меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, этнографик музейлар ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилган.

Ҳукумат қарорида Хива шаҳрини, унинг Янгиобод ва Ғовуккўл аҳоли пунктлари билан яхлит, қулай, ихчам ва ягона тизимга бирлаштириш, шаҳар ҳудудини янада аниқ ва мукаммал функционал ҳудудларга ажратиш ҳамда улар орасидаги боғлиқликни такомиллаштириш, ушбу ҳудудлар орасида транспорт ва пиёдалар қатновларини қулайлаштириш, ҳудудларга ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини жойлаштириш учун энг қулай жойларни танлаш, энг асосийси, бунда шаҳарнинг ўзига хос тарихийлигига зарар етказмаслик белгиланган.

Мазкур қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, Хива шаҳридаги ва атрофидаги ноёб тарихий, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш мақсадида уларнинг ҳимоя ҳудудларини яратиш, яъни атрофига замонавий бинолар қуришнинг олдини олишдан иборат.

Биз олимлар зиммасига ҳудуддаги ҳар бир меъморий, тарихий ёдгорликни тўлиқ ўрганиш, уларни илмий тадқиқ қилиш, яроқлилиги, қанчалик таъмирга муҳтожлиги ва, албатта, таъмирлаш жараёнида ёдгорликнинг аслиятига зиён етказмаслик каби масъулиятли вазифалар юклатилган. Олимларимиз йилнинг ўтган давридаги карантин шароитида ҳам тизимли равишда ўрганишлар олиб борди. Негаки, вақт кутиб турмайди.

**— Қадим шаҳарнинг “Турк дунёси маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши олиб борилаётган кенг кўламли ишлар жараёнига ўзига хос уйғунлик ва кўтаринкилик бағишлади. Шундай эмасми?**

> **“Янги топилган”, аслида мавжуд бўлган ушбу минора деярли уч аср илгари хонлик тахтига келган қўнғирот сулоласи асосчиси Муҳаммад Амин Иноқ ва унинг набираси, 1804-1806 йилларда Хива хони бўлган Элтузархоннинг ўғли Раҳбердибой Иноқ томонидан бунёд этилган. Баландлиги 10, эни 3 метру 20 сантиметрга тенг бўлган ушбу минора қурилиш услуби, қурилишда ишлатилган хомашёлари бўйича шаҳардаги бошқа бирорта минорани такрорламайди.**



— Ўтган йилнинг 15 октябрида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида кўҳна ва ҳамиша навқирон Хивамизга билдирилган ишонч ҳақида давлатимиз раҳбари “Бу қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлади”, деб таъкидлади. 2019 йилнинг 30 ноябрь куни Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида ушбу қарор расман эълон қилинди.

2021 йилда шаҳримизда “Марказий Осиё цивилизацияси чорраҳасида” мавзусида халқаро симпозиум ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Бугун ушбу мақомга лойиқ бўлиш, мезбон сифатида тадбирларни олий даражада ўтказиш учун ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда тарихчи, археолог олимларимизнинг алоҳида ўрни бор.

Шу ўринда шаҳарнинг кўп асрлик тарихини ўзида мужассам қилаётган ҳунармандлар ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Бугун шаҳарда 120 та ҳунармандлик устахонаси фаолият юритяпти. Минг йиллик касбни сулолавий давом эттираётган ҳунармандлар миллий бойлигимиз ҳисобланмиш ноёб осори-атиқалар, миллий либос, рўзғор ва эсдалик буюмларини мукаммал ясаш ҳадисини олганларки, шу туфайли қадим маданиятимиз тимсоли бўлмиш буюмлар бугун дунёнинг барча қитъаларига кириб бормоқда. Хорижлик сайёҳлар эътиборини тортаётган миллий жиҳозларимиз сони ва тури тобора кўпаймоқда.

Олимларимиз илмий изланишлари ўлароқ Хиванинг барча тарихий ва меъморий обидалари яратилиши тарихи билан боғлиқ рисолалар, сайёҳлар учун буклетлар, “йўналишлар хариталари” ишлаб чиқиляпти.

Хиванинг сўнгги уч ҳукмдори — Муҳаммад Раҳимхон Соний, Асфандиёрхон, Саййид Абдуллахон ва машҳур вазири акбар Исломхўжанинг мумдан ясалган ҳайкаллари илк бор сайёҳлар учун кўргазмага қўйилди. Бу ҳам яқин тарихимиздаги янгилик.

Ёки хонлик ҳудудида вақтинча ватан тутган Оқмачит маннолит немислари ҳаёт тарзи, улар ясаган буюмлар кўргазмаси ташкил қилиниши олмониялик сайёҳлар эътирофига сазовор бўлганини ҳам қайд қилиш ўринли.

Бир сўз билан айтганда, Хива ислоҳотларнинг янги босқичида том маънода ўзининг иккинчи ва абадиятга дахлдор умрини бошламоқда.

Шаҳримизга ташриф буюрадиган сайёҳлар одатда ўз таассуротларини ёзиб қолдиради. Кўпинча қизиқиб ушбу ёзувларни ўқийман. Япониялик сайёҳ С.Ричигана “Меҳмонлар дафтари”га битган ушбу сўзлар кўпчилик юрткезар инсонларнинг кўнгил сўзларини ифодалайди: “Шаҳарни томоша қилиб, олган таассуротларим чексиз! Ҳаяжон ва ҳайратларимни қандай ифода қилишни билмайман. Хива — бу буюк мўъжиза!”

Аждодларимиз қолдирган бу буюк мўъжизани авайлаб, асраш барчамизнинг бирдек бурчимиздир!

**— Кўҳна ва ҳамиша навқирон Хивани, шу орқали юртимизнинг бой тарихини дунё саҳнида тарғиб қилиш жараёнида иштирок этаётган барча илм аҳлига куч-қувват тилаймиз!**

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.**

Мулоҳаза

# РУҲИЙ ТАРБИЯ — ҒАЛАБА ВА ЮТУҚЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Чинакам муваффақият кўп ютуқларга эришиш эмас, балки кўп марта йиқилса ҳам яна ўрнидан туриб, қайта ҳаракат қила олишдир. Бундай қобилият фақатгина кучли ирода эгаларида бўлади. Мустаҳкам иродага эга бўлиш бошқа соҳалар қатори спортда ҳам муҳим жиҳат саналади. Бугун бизда оқсаётган соҳалардан бири спорт руҳшунослигидир, десак янглишмаймиз. Қуйида айрим юртдошларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Юлдуз ЎРМОНОВА**

## МУСОБАҚА БОР ЖОЙДА ҲИССИЁТ ҲАМ БЎЛАДИ

Руҳий тарбия — инсоннинг ўзини бошқара олиш қобилияти. Спортда нафақат жисмоний жиҳатдан бақувватлик, балки кишининг иродаси, ҳаттоки фикрлаши ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, спортчи йиллар мобайнида фақат мускулларигагина эътибор қаратиб, машқ қилиб, турли вазиятларга, зарбаларга руҳан тайёргарликни шакллантирмаса, унинг муваффақият қозониши қийин. Айрим ҳолларда спортчи бир марта ғолиб бўлиб, иккинчи, учинчи марраларга ҳаракат қилмай қўйиши ҳам мумкин. Шунинг учун спорт руҳшунослиги муваффақиятга эришишнинг асосий калитларидан бири саналади.

— Ҳар қандай спорт тури мамлакатни жаҳонга танитадиган байроқ, кўзгу. Спортчининг муваффақияти — мамлакатнинг муваффақияти, обрўси. Нафақат сиёсий жиҳатдан мавқе, балки молиявий жиҳатдан ютуқ олиб келадиган асосий омиллардан бири, — дейди руҳшунос мураббий Removed Бобоёр Тўраев. — Умуман, спорт бу — мусобақа. Мусобақа бор жойда эса, албатта, ҳиссиёт ҳам бўлади. Рақобат бўлгандан сўнг кимдир ютади, кимдир ютқазади. Ана шу ерда руҳиятшунослик жуда катта роль ўйнайди. Ҳатто ғалаба қозонган одам ҳам кибрга берилиб, манман, қайсар, худбин бўлса, кейинги мусобақаларда унинг ютиши мушкул. Бизда кўп кузатиладиган ҳолат шуки, бир-иккита ғалабадан кейин йигит-қизларимиз нимагадир бўшашиб қолади. Чунки маррани жуда кичкина олиб қўяди. Ёки аксинча, ютқазиб қўйса, жудаям оғир тушкунликка тушади. Бундай пайтларда уларда мағлубиятдан чўчиш, қочиш мотивацияси шаклланади. Устозлар эса бунга аксарият ҳолларда жиддий эътибор бермайди.

Ёки, овқат ея олмай қолади, кўнгли айнийди ёки, аксинча, спорт талаблари бўйича ейиш мумкин бўлмаган нарсаларни еб қўяди ва натижада спортчи иродасини бошқара олмай қолади. Ана шундай вазиятларда руҳшунослар спортчи ўзини жиловлаб олишига кўмаклашади. Мен ҳам 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақаларида олтита рақибни енгиб, кейинги босқичда доим ютадиган рақибимга дуч келдим. Тасодифни қарангки, бу сафар унга ютқазиб қўяёздим ва ўзимдан жуда қаттиқ хафа бўлдим. Тамом, энди ютқаздим, деб ўйлаган эдим. Аммо мусобақадан аввал устозимиз ўргатгандай тезда ўзимни қўлга олдим ва яна курашишда давом этдим. Эртасига эса жамоавий таркибда 3-ўринни қўлга киритдик. Ўша беллашувдан сўнг спорт руҳшуносларига эҳтиёжимиз юқори эканини англаб етдим.

## ТИЛ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Яна бир оғриқли масала — тил билиш. Уни энг катта муаммолардан бири, десак ҳам бўлади. Вилоятлик спортчиларнинг аксарияти рус тилини билмайди. Пойтахтда эса аксарият мураббийлар ўзбек тилини билса ҳам, рус тилида машғулот ўтказади.

— Ҳақиқатан ҳам шундай, — дейди Тошкент давлат жисмоний тарбия институти талабаси Умринисо Миржалилова. — Ўзим шу соҳага болалигимдан жуда қизиқаман. Амалиёт ўтагани турли спорт залларига борганимда спортчилардан мураббийларнинг қайси гаплари ёдингизда қолди, деб сўрайман. Ўшанда уларнинг жуда кўпи ер чизиб қолади. Агар мураббий хорижлик бўлса, уларга таржимон бириктирилиши керак. Ёки ўзбек тилини билса, ўзбекча машғулот ўтиши лозим.

## СПОРТНИ СЕВМАГАН ОДАМДАН ЧЕМПИОН ЧИҚМАЙДИ



## ЮТҚАЗИШ — ШАРМАНДА БЎЛИШ ЭМАС!

Ҳамма спортчи ҳам руҳшунос олдига бориб, дардини айтавермайди. Руҳшунос мураббийларнинг таъкидлашича, мусобақаларга тайёргарликда ҳам индивидуал, ҳам жамоавий ишлаш руҳиятини ривожлантириш муҳим жиҳатлардан саналади. Руҳий тайёр бўлмаган спортчи мухлислари унинг натижаларидан хафа бўлиб қолса, қайта эътибор қозонишга ҳаракат қилмайди, таслим бўлиб қўя қолади. Тўғри, ҳар бир устоз ўз шогирдининг феъл-атворини яхши билади. Аммо руҳий тайёргарлик бутунлай бошқа масала.

Маълумотларга қараганда, инсондаги касалликларнинг 80 фоизи руҳият зўриқишидан келиб чиқади, ривожланади. Гоҳида мағлубиятга учраган спортчи рақибининг оёғига тепган, чалган, унга хўмрайган, туртган вазиятларни кузатамиз. Ҳатто спорт мураббийларида ҳам кузатамиз бундай ҳолатни. Ваҳоланки, ютқазиш — бу шарманда бўлиш эмас!

— Фикримча, спорт руҳшунослиги юртимизда энди ривожланиб келаётган соҳа. Мен илгари руҳшунослар билан сира ишламаганман, аммо уларнинг ўрни муҳим эканини охирги икки йилда чуқурроқ англаб етдим, — дейди қиличбозлик бўйича Ўзбекистон ва халқаро тоифадаги спорт устаси Шаҳноза Тоғаймуродова. — Қаттиқ ҳаяжонланганда кимнингдир боши айланади, овқат ея олмай қолади...

Аксарият ота-оналар болаларини муайян спорт турига, масалан, қизини гимнастикага, енгил атлетикага, ўғлини футбол ёки шахматга беради. Айнан шу спорт турида кучли бўлади, яхши пул топади, деган тушунча мавжуд кўпчиликда. Муайян спорт турида кучли бўлиш, аввало, одамнинг ўзига боғлиқ, аммо ўша спорт турининг жамиятдаги мавқеи, трендлари ҳам таъсир этади. Инсон шундай мавжудотки, ҳамма интилган нарсага интилади. Бу руҳшуносликда конформизм, дейилади. Масалан, Канадада хоккей машҳур, кўпчилик болалар хоккейчи бўлишга интилади. Бразилияда футбол машҳур, шу боис бу мамлакат болаларида футболга қизиқиш кучли. Кейинги йилларда юртимизда бокс ривожланиб, кучли боксчилар чиққани учун болаларимизда боксчи бўлишга ҳавас кучли. Демак, спорт руҳшунослиги ижтимоий руҳшуносликка ҳам боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, нафақат спортчи, ҳар қандай инсон ёшликдан то кексайгунига қадар руҳий тарбияда бўлиши керак. Инсоннинг ўзида спортга иштиёқ, қизиқиш бўлмаса, ҳар қанча қўллаб-қувватламанг, ёрдам берманг, ундан чемпион чиқмайди. Буни эса кўпроқ руҳшунослар фарқлайди, десак янглишмаймиз. Ишончимиз комилки, яқин келажакда юртимизда ушбу соҳа ҳам ривож топади. Зеро, ғалабаларнинг, ютуқларнинг бир калити жисмоний тарбия бўлса, иккинчи калити руҳий тарбиядир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 3277.
42035 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 00:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru